

**Мұхаммад Юсуф,  
Назира ас-Салом**

## **ЭРКА КИЙИК**

(шеърлар тўплами)

Ёзёвон 1992 йил.

*Ушбу китобни қадрдан юртим Ёзёвоннинг 40 йиллик тўйига  
бағишилайман.*

**МУАЛЛИФ.**

Сиз севган шоир Мұхаммад Юсуфнинг кўплаб шеърлари қўшиқ бўлиб ҳар кун хонадонингизга кириб боряпти. Шоирнинг янги шеърларидан сараланган ушбу тўпламни «Эрка кийик» деб атадик.

«Эрка кийик» Сизнинг кўнгил мулкингиз бўлиб қолишига ишонамиз. Мұхаммад Юсуфнинг бу тўпламидан унинг рафиқаси, истеъдодли шоира Назира Ас-САЛОМнинг туркум шеърлари ҳам жой олди.

Малик БОЙМАТОВ.

\* \* \*

Ёзёвонда ёз ёмон  
Қиздирармиш офтоблар.  
Ёзда қандай сақлар жон  
Ёзёвонлик моҳтоблар?..

Қадимда-ку изига  
Зорлар бўлиб кўчалар,  
Мафтун эди ўзига  
Бу юзи ойкулчалар.

Хаёллари том оша,  
Ўзлари чиқмай қўрғондан.  
Булутларни тамоша  
Қилишарди айвондан...

Ёзёвонда ёз ёмон  
Қиздирармиш офтоблар.  
Ёзда қандай сақлар жон  
Ёзёвонлик моҳтоблар.

Қадимда-ку қуёшга  
Қалқон эди чачвонлар.  
Ўсмалар ўпган қошга  
Армон энди чачвонлар.

Оқимга терс оқишиди,  
Ўрнак олди ғўр ишдин:  
Паранжини ёқишиди,  
Ўзларидан кўришсин!...

## ОТ ҲАҚИДА ОҚ ҚЎШИҚ

Суйганим тулпор эди,  
Тилло ёли бор эди.  
Оғайнилар, от менга  
Ҳам дўсту ҳам ёр эди.

Ёлин ўпсам, чўк тушиб,  
Кафтидан сув ичарди.  
Чух десам, ер чангитиб,  
Булут бўлиб учарди.

Наздимда ер кенг яйлов,  
Кўк яйловга ўхшарди.  
Учар отим пойига  
Осмон юлдуз тўшарди.

Уйимизга бир куни  
Қариндошлар тўлишди.  
Чақмоқтуёқ тойимдан  
Айирмоқчи бўлишди.

Отам: улғайдинг ўғлим,  
Уйланмасанг ор, деди.  
Қиз турганда йигитга,  
Отга нима бор, деди!..

Суйганим тулпор эди,  
Тилло ёли бор эди.  
Оғайнилар, от менга  
Ҳам дўсту ҳам ёр эди.

От олдидан бошланди  
Чимилдиққа йўлакча.  
Ўксинма ёр, не қилай,

Отга меҳрим бўлакча...

Офтоб ботмай оғриниб  
Йўл пойлади дилдорим.  
Келин келган кечадан  
Аразлади тулпорим.

Мен уларга ёлвориб,  
Не дейишни билмайман.  
Қиз қўлини қўйвориб,  
От ёлини силайман.

Борми биздек ошиқлар;  
Баҳоримда куз йиғлар.  
Қизни қучсам от йиғлар,  
Отни қучсам қиз йиғлар.

Бир бор ўпсам хотинни,  
Уч бор ўпдим отимни!  
Қолдим икки ўт аро  
Кимга айтай додимни...

Суйганим тулпор эди,  
Тилло ёли бор эди.  
Келинчакка бу уйда  
Айтинг нима бор эди.

Ётиб қолди от бир кун  
Отхонада мажолсиз.  
Отим ўлса—сиз хурсанд,  
Аёлсиз-да, аёлсиз!...

Челак тутсам, қиқирлаб  
Сув йўқ дейсиз, қудуқда.

Тулпоримга ёвқараб,  
Ажалга сиз қуллукда.

Тоғдан гиёҳ топарман,  
Тўшига тўшим ёпарман..  
Тузалгунча тулпорим  
Табибларга чопарман.

Шифо топса бас, тойим,  
Бор бисотим сочарман.  
Отим ўлса, одамдек  
Қирқ кун аза очарман...

Қарашмайсиз қайрилиб,  
Синовми бу, нозми ё.  
Хотин жафо, от вафо,  
Деганлари ростми ё!..

Суйганим тулпор эди,  
Бўйнида холи бор эди.  
Ёрим, сизга бу уйда  
Айтинг нима бор эди.

...Ёрим йўлим пойлади  
Ёт хонада олти ой.  
Отим билан ухладим  
Отхонада олти ой.

Бўйнин силаб сескандим,  
Жароҳатин топгандек.  
Михлар тўла туёғин  
Ўпдим, қизни ўпгандек...

Тун. Туш кўрдим, тўлғониб

От розимиш ўлимга.  
Кафтим куйиб сув тутсам,  
Игна ёғди қўлимга.

Юракларим зирқираб,  
Бергим келди жон узиб.  
Тумшуғидан тирқираб  
Тураг эди қон сизиб!

Бошим қўйиб йиғладим,  
Түёғига мажолсиз.  
Ёр, кирдингиз сиз хурсанд,  
Аёлсиз-да, аёлсиз...

Суйганим тулпор эди,  
Тилло ёли бор эди.  
Ёрим сизга бу уйда  
Айтинг нима бор эди.

...Отим кўмдим далага,  
Ёди қолди қўксимда.  
Жовдираган кўзларин  
Доди қолди қўксимда.

Суйганим тулпор эди,  
Қиздай беғубор эди.  
Оғайнилар, от менга  
Ҳам дўсту ҳам ёр эди.

Ёлин ўпсам, чўк тушиб,  
Кафтимдан сув ичарди.  
Чух десам, ер чангитиб,  
Булут бўлиб учарди.

Наздимда ер кенг яйлов,  
Кўк яйловга ўхшарди.  
Учар отим пойига  
Осмон юлдуз тўшарди.

Тилло ёли бор эди,  
Бўйнида холи бор эди.  
Тилини тушунмасам ҳам,  
Тилида боли бор эди...

Ёрдан кечдим шу от деб,  
Элга бўлдим эрмаклар.  
Қайдан билсин от қадрин,  
От минмаган эркаклар!

## МАҲАЛЛИЙЧИЛИК

Тошни сув кемирар. Сувни қаро ер,  
Ерни каламушлар кемирганин кўр,  
Даштда жайронларни қийратади шер,  
Ўзбекни қийратар... маҳаллийчилик!

Майсаларни қуёш қовжиратади,  
Қуёшки булутлар тентиратади.  
Булутларни шамол довдиратади,  
Ўзбекни қуритар маҳаллийчилик.

Тоғларни тўғонлар йиқиб қуритар,  
Боғларни хазонлар сиқиб қуритар,  
Хазонларни кузлар йиғиб қуритар,  
Ўзбекни қуритар маҳаллийчилик.

Чеҳранг бир хил ахир, бир хил забонинг,

Ватанинг бир ахир, бирдир маконинг,  
Қўйғил Қўқонингни, қўйғил Сурхонинг,  
Ўзбекни қуритар маҳаллийчилик!

Жайхун катта дарё, Сир катта дарё,  
Эркин дарё эди, хур, катта дарё,  
Минг ирмоққа кўчган бир катта дарё —  
Ўзбекни қуритар маҳаллийчилик...

Тенг бўлайлик, тенгга теголмас ҳеч ким,  
Аҳил бўлсак бизни енголмас ҳеч ким,  
Азиз бошимизни эголмас ҳеч ким,  
Ўзбекни қуритар маҳаллийчилик...

## ТИЛЛО САНДИҚ

Баланд жардан ташланди  
Тилло сандиқ дарёга.  
Ёрингман, деб юзланди  
Қоработир Зуҳрога.

Тоҳир эмас, бағри хун  
Оқиб кетди муҳаббат.  
Бу дунёга этагин  
Қоқиб кетди муҳаббат...

Қайсни қувғин қилишди,  
Ул ошиғи шайдони,  
Эрмак қилиб кулишди  
Қон йиғлаган Лайлони.

Мажнун эмас, сахрода  
Сарсон бўлди муҳаббат.

Икки кўзи самода  
Ҳайрон бўлди мухаббат.

Афсона бўлди, ёҳу  
Армон бўлди мухаббат.  
Одамдан безган оҳу,  
Жайрон бўлди мухаббат...

## **РУСТАМ ҚОРИ МАРСИЯСИ**

Қисмати шу экан-да,  
Ким эдию ким энди.  
Рустам торин чертганда  
Булбуллар ҳам жим эди.

Бири мўмин, бири қув,  
Икки олам тўқнашди,  
Кўрмай очди кучоқ у,  
Ажал билан учрашди.

Одил юрак хотиржам,  
Ожиз кўзлар тўқди чўғ.  
Рустам ўлаётиб ҳам  
Осмонни бир кўрган йўқ.

Қўшиқлари қўнглида,  
Зори қолди мунғайиб.  
Шогирдлари қўлида  
Тори қолди мунғайиб.  
Жужуқлари қўлида,  
Ёри қолди мунғайиб...

Қисмати шу экан-да,

Ким эди-ю ким энди.  
Рустам торин чертганда  
Булбуллар ҳам жим эди.

## НАВОЙ

Хитобларга кўмилиб ҳотам,  
Буюк шоир дейиш-ку осон.  
Ҳечкими йўқ Навоийнинг ҳам,  
У ҳам мендек бир ғариб инсон..

Минорадек мармар ҳайкали  
Кўринса ҳам ҳатто Ҳиротга,  
Қавмин уйи турса чайқалиб,  
Тўйи татирмikan у зотга?..

Кечиргайми ҳазрат ўз қавмин,  
Бир-бирига бўлмаса паноҳ;  
Подшосининг билмаса қадрин,  
Гадосини сийламаса гоҳ?..

Юрагини чаққандек ари  
Пир енгидан кириб яширин,  
Азобмасми, набиралари  
Кўзин ўйиб юрса бир-бирин?..

Юм-юм йиғлаб ётмасми устоз,  
Қабрида ҳам юрак-бағри қон —  
Шоирлари сўйламаса рост,  
Олимлари талашса унвон?..

Мангу назм гулшани сўлмас,  
Навоий-ку яшар то абад.

Оқибатсиз элда эрк бўлмас,  
Мурувватсиз юртда саодат...

Буюк шоир дейиш-ку осон,  
Хитобларга қўшилиб. Лекин  
Навоийнинг тўйи  
Биз қачон —  
Арвоҳини шод этолган кун!

## **БИНАФША**

Жилғалар бўйига чўккан гулойим,  
Булбулнинг патидан баргинг мулоим.  
Сени этагидан тўккан худойим,  
Жаннат жилвасисан, хоксор бинафша.

Илк жамол кўрсатган оқ қорлар аро  
Гул йўқ сендан бўлак гулзорлар аро,  
Дунёда бор мовий минорлар аро  
Сен ҳам битта Митти минор, бинафша.

Йўқлайсан ҳар баҳор унган жойингни,  
Фидойисидурсан сен фидойингни,  
Кўзимга сурайми зулфи ёйингни,  
Сендан улуғ яна ким бор, бинафша?..

Қора совуқларга чидаб, мунғайиб,  
Йўллар ёқасида мўмин жилмайиб,  
Бирга ўсгандаймиз, бирга улғайио,  
Муҳаммадга дилдош дилдор, бинафша!

## **ҚИЗҒАЛДОҚ**

### Шокирга

Қизғалдоғим, қирдан бўлак кошонанг, йўқ,  
Кокил ёйсанг тошдан бўлак тошойнанг йўқ,  
Ўқсиб-ўқсиб турганингда ўзим бориб  
Пешонангдан ўпай десам, пешонанг йўқ...

Соллонасан келинчақдай бошинг эгиб,  
Жайрон ўтган сўқмоқларга ёшинг тўкиб,  
Қизил юзинг қон дилимга туар тегиб,  
Менингдек сен ғарибнинг ҳам парвонанг йўқ...

Қадринг билган, дардинг билган айт киминг бор?..  
Келиб-кетар баҳор сенга бевафо ёр,  
Гўзалсанки сенга бари гуллар ағёр,  
Оҳурсанг бир оҳинг тинглар остананг йўқ...

Олдингга мен боролмасам ўт гуноҳим,  
Бир йўқлаб қўй мен дунёдан ўтган чоғим.  
Қабрим узра ҳилпираб тур, қизғалдоғим,  
Мұхаммаддан бўлак дўсту девонанг йўқ...

\* \* \*

Биз барҳаёт сиймо деган ўша ўлмас  
Алишернинг авлодлари алла билмас.

Учди Чамбил кўлларидан сўнгги ўрдак,  
Алпомишлар ётган бешик энди эртак.

Отдан тушмай, ўқقا учмай ўлди Темур,  
Олтинминор Регистонлар бўлди кўмир.

Ўз боласи Улуғбекка қилич солди  
Шоҳ боласи булиб бир кўк юлдуз қолди.

Чақмоқ бўлиб кетди Бобур, кетди Бобур,  
Ўзбек энди ўз уйида ҳам мусофири.

Бир боши ҳеч қовушмагач, ҳатто Машраб  
Девона ҳам ўз юртини кетди ташлаб.

Инояти бор экан-ку ғурбатнинг ҳам,  
Ўзбек қувиб уйғур кўмди Фурқатни ҳам.

Чўпон йўлин тўсиб ётар қатор қайин,  
Усмон қабрин қайси ўрмондан излайнин?

Ўтганларни ўйлаб дарди дилда пинҳон,  
Ойбек ўтди, Faфур Fулом, Шукур Бурҳон...

Бу дунёда ҳар кимса ўз ризқин терсин,  
Халқим, менга инсоф берсин, инсоф берсин,

Қўй, ииғлатмай айтиб эски ашулангни,  
Ҳеч бўлмаса асра энди Абдуллангни!..

## РУҲ ТЎТИСИ

Бош бир кун тош ёстиққа етар,  
Руҳ тўтиси танни тарқ этар,  
Дейдилар ёш танламас ажал,  
Худо билар ким олдин кетар...

Офтоб елиб толса кўк узра,

Унга осмон сандиги ҳужра,  
Ҳақдан хукм, бандадан ижро  
Худо билар ким олдин кетар?!

Пок дилингни кемирди ҳасад,  
Қадамингдан топдинг азият,  
Дўстим қилма менга васият,  
Худо билар ким олдин кетар.

Асо тутмиш қанча қадди дол,  
Мен бир кучга тўлган навниҳол.  
Отам мени кўмар эҳтимол...  
Худо билар ким олдин кетар.

Кўзим кўкда, сизда хаёлим,  
Жужуқларим — менинг камолим!  
Ғаниматмиз жуфту ҳалолим,  
Худо билар, ким олдин кетар...

\* \* \*

Қайлардасан ўзинг, қанисан ўзинг,  
Сен кимнинг бир парча жонисан ўзинг?  
Боболаринг кимдир, момоларинг ким,  
Сен қачон ўзингни танийсан ўзинг?..

Осмон тўла юлдуз армонларингми,  
Сенинг бор бисотинг достонларингми.  
Алпомиш аталмиш ботиринг қани,  
Улуғбегинг қани, Бобуринг қани.

Қани буюк Аҳмад Яссавийларинг,  
Румийлардан қолган маснавийларинг.

Улар кечиргайми гуноҳларингни,  
Унутмагил улуф Синоларингни...

Кулиб кун чиқодур, йиғлаб кун ботар;  
Навоий Ҳиротда беэга ётар,  
Юзларини ёритар тунда ой балқиб,  
Машраб Балх дорида турибди қалқиб...

Ким эдингу энди ким бўлдинг бу дам,  
Сени таниёлмай аждодинг мулзам.  
Сен на йиғламайсан, сен на қулмайсан,  
Фарзандларинг қабри қайда билмайсан.

Қайлардасан ўзинг, қанисан элим,  
Сен қачон ўзингни танийсан, элим?  
Чўғ остида қолган кулдайгинасан,  
Оting бору ўзинг йўғдайгинасан!

## СЕВГИ БУ...

Севмоқ бу,  
Кечирмоқ дегани асли,  
Токи бу дунёда қуёш бор, гул бор.  
Ялпизлар гуллаган шу баҳор фасли,  
Содик ҳамдам бўлгин сен менга, дилбар.

Ғийбатлар тингладим, айланди бошим,  
Хўл тупроқ куйдирди товонларимни  
Ва мана мен унга кўнглимдан юлқиб  
Кўмдим беор дўстимдек гумонларимни.

Ўйлар суравердим кечалар танҳо,  
Гоҳо жиққа ёшга тўлганда кўзим.

Ва сени севмоқдан олдин бир куни  
Дилдан севиб қолдим ўзимни ўзим...

Севмоқ бу ўзингни англамоқ асли  
Токи замин аро қуёш бор, гул бор.  
Райҳонга кўмилган шу баҳор фасли,  
Садоқатли ёр бўл сен менга, дилбар.

Севгилим мен сени севаман, тамом,  
Фамгин кўзинг, ҳадик тўла кўзингни,  
Севмоқ, бу кунда бир кўрмоқ баҳтидир  
Озғин қўлларингни, сепкил юзингни...

## ДЎСТ ФИГОНИ

Қани бағрим тўлиб юрган паллаларим,  
Мағрур қалбим кўздин ёшин ҳалқоб этди,  
Қушдай учди қучоғимдан болаларим,  
Учаласи уч томонга тарқаб кетди.

Бевафо ёр пешонамнинг бўлди шўри,  
Рашқ азоби ханжар мисол кўксим тилар.  
Гулдай икки қизим қани кўзим нури,  
Ўғлим қайда тентир энди, худо билар...

Кунда ўзим босиб юрган йўлагимга  
Йўклаб борсам йўл ҳам мендан тониб кетди,  
Бевафо ёр эрмак қилган юрагимни  
Кулга кўмсан кул гуриллаб ёниб кетди.

Сув ёнарди сувда болам ёниб шу кун,  
Кўзларимга мўлтираб зор нажот сўрди.  
Ёсуман ёр кулди кўриб бормай яқин,

Ёсуман ёр менга шундай азоб берди!..

Қани бағрим тўлиб юрган паллаларим,  
О, бўш кўнглим, кўздан ёшим ҳалқоб этди.  
Күшдай учди қучоғимдан болаларим.  
Учаласи уч томонга тарқаб кетди.

Неки бўлса бўлди юрак гуноҳ менда,  
Яна қуймоқ қисмат экан — куйган эдим.  
Болам-ёрда, ёрим-ётда, гуноҳ-менда,  
Билиб туриб ёсуманни суйган эдим...

\* \* \*

*Малик ақага*

Мендай ғарибни ҳам кўролмаслар бор.  
Нураб борарману ўзим шундай ҳам,  
Тугаб борарману ўзим шундай ҳам,  
Кўксимга тош отмай юролмаслар бор...

Товушим чиқмас бир капалакча ҳам,  
Садосиз кузатгим келар дунёни.  
Кўтаролмас ҳатто темир токча ҳам,  
Улар қанотимга ортган риёни.

Дўстлар дегим келар,  
Бўлманг хавотир,  
Узоқ яшамайман шундай ўзим ҳам.  
Умрим бир боғ кезиб ўтгай наводир,  
Сўнар у бир очиб-юмгунча кўзим.

Кўйишмас.

Қўлимдан тортади бири,  
Бири оёғимдан,  
Бири сочимдан.  
Бири қўйним, бири қўнглимга кириб,  
Ҳаётдан бездирап қирқ ёшимда.

Ўтмас пичноқ билан мени сўйишиб,  
Томоша айларлар туриб сал нари.  
Худони қўлидан нон еб тўйишиб,  
Шайтоннинг хизматин қилишар бари!..  
Мен ғарибни ҳам қўролмаслар бор.

## НИЯТ

Айланар чархпалак кунларим гали,  
Умрим тоғдан, тушган сойдек елади.  
Эртакка айланиб қолмасдан ҳали  
Бир қари дояни кўргим келади...

Кўргим келар тошни саҳрода куйган,  
Ва букри туюни янтоққа тўйган,  
Жайроннинг олдига қаландар қўйган —  
Бир боғлам пояни кўргим келади...

Карвонларни кўргим келади саф-саф,  
Ва карвонбошилар қиличин садаф,  
Мажнунлар капаси олдида бир кафт  
Жаннатий сояни кўргим келади...

Кўнглим яхшиликни йўқлаб толмади,  
Жонни тутдим на дўст, ёт қолмади,  
Унга чанг солмаган бир зот қолмади,  
Энди ҳимояни кўргим келади...

Орзуим бир узунки етмайди нафас,  
Бир ғарип кўнглимда минг олий ҳавас,  
Ойнаи жаҳонда гул қизларнимас —  
Лутфихон аяни кўргим келади!

## ОРЗУ

Туғилмасдан олдин мен  
Чиқиб арши аълога,  
Ойни ўпиб, қолдим мен  
Юлдузлардан балога.

Туғилгандан то шу дам,  
Қумсаб кечакундузлар.  
Ой қани, деб йиғласам,  
Фийбат қиласар юлдузлар...

Ҳикқиллама, дер юрак,  
Дунё билан ишим йўқ.  
Бўлса менга Ой керак.  
Юлдузларга ҳушим йўқ!

\* \* \*

Тунда шеър айтишдик капалак билан,  
Ялпизни алқадим,  
Гулни алқадим.  
Ёнимга судралиб келиб бир илон  
Кўзойнак остидан боқди.  
Пайқадим.

Кувди ёлғиз ўшал ҳамхонамни у.  
Кувди париларни қувган каби дев.  
Хуркитиб юбориб парвонамни у  
Бўйнимга ўралиб олди:  
Мени сев!..

Чимзор.  
Чимилдиқда совуқ ёр кучдим.  
Пўстин гилам қилиб меҳробга қоқдим.  
Кўзимни чирт юмиб,  
Кечалари жим  
Мен уни ўпгандага —  
У мени чақди.

Чақди.  
Чақаверди захри сўнгунча.  
Чақди гоҳ билагим,  
Гоҳ юрагимни.  
У қанча чақса мен тирилдим шунча.  
Шунча эслайвердим капалагимни!..

Ўтмишни унутдим бир тушда гўё,  
Ўшал чимзордаги кошонамни ҳам.  
Илон маликадан кутулдим,  
Аммо,  
Энди тополмасман парвонамни ҳам.

\* \* \*

Қалбинг қизил гулхани сўнди,  
Култепада қолмади бир чўғ,  
Бу қиз билан ишим йўқ энди,  
Бу қизнинг мен билан иши йўқ...

Энди менга икки дунё бир,  
Сиғмам на ер, на осмонига.  
Томга чиқиб кетарман энди,  
Мен ҳам қизғалдоқлар ёнига.

Ҳей, юлдузлар юртида чаман.  
Булутман деб юрган тутунлар  
Кўксим ёниб кетмоқда ёмон.  
Мендан нарироқдан ўтинглар!

Қалбда севги гулшани сўлди,  
Қолди фақат ловуллаган чўғ.  
Бу қиз билан ишим йўқ энди,  
Бу қизнинг мен билан иши йўқ...

Кел юрагим, бағримни ўйиб,  
Севгимни сувларга отамиз.  
Майсаларга бошимни қўйиб,  
Капалак ёпиниб ётамиз.

\* \* \*

Ситамларинг кўпдир менга,  
Ситамларинг эй гулгун.  
Кел юзингдан ўптири менга,  
Ўнг юзингдан ўптиргин...

Борсам кел, деб ердан турма.  
Захринг сочиб ўлтиргин.  
Гапирмагин.  
Гапирма.  
Сўнг... юзингдан ўптиргин.

Сўймасанг суйкалаб нетай,  
Бу дунёдан нолиб кетай?  
Майли ўтай,  
Майли кетай.  
Кел... қўзингдан ўптиргин!

## КЕЧИКИШ

— Кўкрак тўла орзую ташвиш,  
Пайкалда ҳам ҳосилимиз мўл,  
Яшаяпмиз бизлар ёзу-қиш,  
Юмушлардан бўшамайди қўл.

Ношукурман нолисам, бироқ,  
Ҳеч кимсадан камим йўқ, ахир.  
Фақат сени соғиниб гоҳ-гоҳ,  
Йиғлаб мени қон қилар кампир.

Тушунолмай қолдим қандайдир,  
Тошмехроқ чиқдинг ўзинг ҳам.  
Бизни эслаб ҳар замонда бир,  
Хат ёзиб ҳам қўймайсан бўтам.

Шаҳардан ёқдан ким келса, бари,  
Тўтидек бир сўзни қайтарар::  
Кўришмадик ўғлингиз билан,  
Келиб қолар, дейди занғарлар.

Яхши бўлди келганинг аммо,  
Зап вақтида келдинг бу сафар,  
Маҳаллада ялла авжида,  
Аини тўйлар бошланган маҳал.

Мана кеча, оти нимайди,  
Салтанатнинг кенжা қизини.  
Эсим қурсин ёдда турмайди,  
Бор эдию сочи узуни,  
Биз куёвга узатдик шуни...

Тўйи тўкин ўтдию лекин,  
Куёвига қизгина тушгур,  
Кўнгилсизроқ эканми, қайдам,  
Кўп йиғлади, деб келди кампир.

Ким билади балки шундайдир,  
Янглишгандир балки кампирим.  
Бари келин йиғлайди, ахир,  
Йиғламасдан эрга теккан ким?

Бу гапларни кўя турай кел,  
Бўталофим, ўзингдан гапир.  
Зилзилалар унут бўлиб, эл,  
Шаҳар энди тинчиб қолгандир?

...Меҳр тўла нигоҳи билан,  
Бобом мендан жим кутар жавоб.  
Билса экан, тушунса экан,  
Невараси не куйда шу тоб!

Билмайди, эҳ бобом билмайди  
Мен, ахир севардим уни.  
Салтанатнинг оти нимайди,  
Ўша узун сочли қизини...

\* \* \*

Шоирлик мен учун асло орзумас,  
Шу ҳам иш бўлдими йигит бошимга.  
Ҳамма шоир зотин йиғса — арзимас,  
Онамни соғиниб тўккан ёшимга.

Ана, улар қиласар булбулларга дўқ;  
Эй қуш, бу боғларнинг мен булбулиман!  
Шоирлар билан ҳеч ошнолигим йўқ,  
Мен ёруғ дунёда қўнглим кулиман.

Аммо юрагимни қийнар бир азоб,  
Қўй десам қўймайди, тутқазар қалам.  
Мен кетмон сўрасам — тутади рубоб,  
Куйлайман жонимдан ўтганда алам.

Осмонга қарасам кўринар тупроқ  
Майсага термулиб ойни кўраман.  
Бу қандай кўргилик билмайман ўртоқ,  
Мен қачон далада буғдой ўраман!..

Шоирлик мен учун асло орзумас,  
Шу ҳам иш бўлдими эркак бошимга.  
Ҳамма шоир зотини йиғса — арзимас,  
Уйимни соғиниб тўккан ёшимга.

Ана, улар салкин хиёбонларда  
Энтикиб ёзишар келажакка хат.  
Оқибат ҳақида ҳайқиришар ва  
Абдулла Орифни қилишар ғийбат...

Бўлди.  
Шеър ёзмайман.  
Мен энди одам.

Оддий одам бўлиб яшай бошлайман.  
Кўнглимга ачиниб агар ёзсан ҳам,  
Тунда ёзиб, тонгда ўтга ташлайман.

## ИБРОҲИМ МАРСИЯСИ

*Афғонистонда ҳалок бўлган аскар йигит Иброҳим Аҳмедов  
хотирасига*

Онанг ўлсин, Иброҳим,  
Маккадан ҳам йироғим.  
Ўчиб қолган чироғим,  
Тутаб қайда ётурсан.

Афғон бўлди Ватанинг,  
Армон бўлди Ватанинг.  
Илма-тешик баданинг,  
Инграб қайда ётурсан.

Гулдай сўлиб юзгинанг.  
Қумга тўлиб кўзгинанг,  
Ўз ярангни ўзгинанг.  
Силаб қайда ётурсан.

Айбинг йигит ёшингми,  
Қорагина қошингми.  
Совуқ тошга бошингни,  
Тираф қайда ётурсан.

Ким ўлдирди, қай куни,  
Сендай ювош қумрини.  
Қолганларнинг умрини,  
Тилаф қайда ётурсан.

Онанг ўлсин Иброҳим,  
Маккадан ҳам йироғим.  
Ўчиб қолган чироғим,  
Тутаб қайда ётурсан.

## ОНАМ

*Миртемировна*

Оҳ, менинг ортимдан оввора онам,  
Бир парча юраги минг пора онам,  
Ҳар балони кўрган ёруғ дунёда,  
Тошканни курмаган бечора онам.  
Боланг бўлиб бир бор бошлаб келдимми,  
Энди мен ҳам сенга ўғил бўлдимми?..

Гарчи бисотингда «байрам» сўзи йўқ,  
Биламан, кутасан сандал тўла чўғ,  
Менда юрак деганларин ўзи йўқ...  
Мен совға бермаган қиз йўқ бу оқшом,  
Сенга-чи? На бир хат, на ширин калом,  
Энди мен ҳам ўғил бўлдимми, онам!..

Дейсан: «Олисларда омон бўлсанг бас,  
Гоҳ ёдингга тушсам йўқлаб келсанг бас,  
Болам сенга ҳамма қилади ҳавас...».  
Менинг дардим ахир, шеър эмас фақат,  
Мен машҳур шоирмас — машҳур бешафқат!..  
Энди мен ҳам сенга ўғилманми, айт.

Софиниб байт битдим, у сени топсин,  
Пойингга тиз чўкиб қўлингдан ўпсин,

Шеърдан ҳам улуғим борлигин кўрсин,  
Бориб мен учун ҳам ҳолингни сўрсин,  
Сенсиз ғариб кўнглим кўнгилми, онам,  
Энди мен ҳам сенга ўғилми, онам?..

## **САИД АҲМАД**

Йил бўшатар йилга навбатни,  
Чархпалаги айланади арш.  
Саидасиз Саид Аҳмадни,  
Фаришталар айлар парвариш.

Чорбоғ кезар чол маюс аммо,  
Ниманидир қумсаб, ахтариб.  
Қайлардасиз, Саида момо,  
Сизсиз бу кун боғлар ҳам ғариб!..

Йўлакларда ерга эгилар,  
Сувлар тиниб қолар сукутда.  
Саидани сўраб беҳилар,  
Йиғлаб ётар ер билан битта.

Кетар кейин дарди бир тугун,  
Йиғлай деса тушунмас даҳа.  
Кулай деса ўзидан олдин,  
Ажинлари отар қаҳ-қаҳа.

Бошига тош ёғилса агар,  
Билдирмайди бу метин одам.  
Ҳамма ҳурсанд, ўзи зерикар,  
Латифалар айтганида ҳам...

Йил бўшатар йилга навбатни,

Чархпалаги айланади арш.  
Саидасиз Саид Аҳмадни,  
Фаришталар айлар парвариш:

У жилмаяр кўзда ёш қалқиб,  
Шивирлайди лаблари бесас:  
Саидадир фаришта балки,  
Фаришталар Саида эмас!

## ТАВАЛЛО

Ўзбек деган чўнг чинорнинг новдаси,  
Яшнаб кетиб сўлиб қайтган лолалар.  
Оқтўрғайдек озғингина гавдаси,  
Аскарликдан ўлиб қайтган болалар...

Ўзбекка ёв ҳар жойда бор, ҳамдам йўқ,  
Ундан ювош, ундан мўмин одам йўқ,  
Ўзбекка ўқ ҳар жойда бор, малҳам йўқ,  
Аскарликдан ўлиб қайтган болалар.

Йигит йўли бўлмайди-ку хатарсиз,  
Биз ўйлардик бир кун қелиб қайтарсиз!  
Темир тобут ичра қақшаб ётарсиз...  
Аскарликдан ўлиб қайтган болалар.

Ўз юртида сувга чўкиб ўлмаган,  
Ўтда куйса куйиб, ўксиб ўлмаган.  
Ё бир жангда қонин тўкиб ўлмаган —  
Аскарликдан ўлиб қайтган болалар...

Онангиз зор йифлаб бағри гирёндир,  
Айби нима боламни деб ҳайрондир?

Тинч кунларда увол кетган ёмондир,  
Аскарлиқдан ўлиб қайтган болалар...

Ўз уйида эрка ўғлон эдингиз,  
Ёт юртларда бунча сарсон бўлдингиз!  
Мозорларда ўн саккизга тўлдингиз,  
Аскарлиқдан ўлиб қайтган болалар...

\* \* \*

Байрамдир ҳар кунинг нобакор,  
Давлатинг бор — сенга зулм йўқ.  
Бу дунёда сендай баҳтиёр,  
Ва мендайин бағри тилим йўқ!

Менга азиз жаннатлардан ҳам —  
Киндиқ қоним тўкилган далам,  
Лойсувоқ том ва қари онам...  
Бўлак борар бир манзилим йўқ...

Ер сеники, сеники само,  
Сенинг учун йўқ ҳеч муаммо,  
Нима қилсанг қиласан, аммо  
Сенга жазо, сенга ўлим йўқ!

Фариштамас ўзим ҳам албат,  
Мен ҳам бир бандай Мұхаммад,  
Гуноҳим кўп, биларман, фақат  
Ҳажга борай десам — пулим йўқ!..

## ОҚ ТУЛПОР

### *Шерали оғага*

Отам минган оқ тулпорни кўриб қолдим,  
Чавандозсиз чақмоқ туёқ заиф экан.  
Отамга мен каби зорни кўриб қолдим,  
Эгасиз от эркисиз қулдай ғариб экан.

Одамзотнинг отдан содик ёри борми,  
Ёлидан ўпай, оқ тулпордай вафодорни!..

Оқ тулпордай бир ўзолмай эсди еллар,  
Оқ тулпорни оқизолмай оқди селлар.  
От қўйнига қўлим суқсам — қўлим йиғлар,  
От бўйнидан кучсам отам ҳиди келар.

Манглайида тугмачадай холи борми,  
Холидан ўпай, оқ тулпордай вафодорни!..

Отам қири довон кечиб, тўймайди ҳеч,  
У отамни елкасидан қўймади ҳеч.  
Суйса суйиб суйкаланди боласидек,  
Урса қамчи ёмонликка йўймади ҳеч.

Ҳеч жонворнинг шундай темир жони борми,  
Жонидан ўпай, оқ тулпордай вафодорни...

Умр ўтди, қор босган бир қора лаҳад,  
Узра унсиз ётар полвон Нурмуҳаммад.  
Қора кўзин жовдиратиб энди фақат,  
Атрофидан айланар бир эгасиз от.

Тур эгам деб, товони-ла титар қорни,  
Товонидан ўпай, оқ тулпордай вафодорни!

## ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИГА

Содда Мұхаммадман,  
Содда Мұхаммад —  
Туркман қизни мақтаб балога қолдим,  
Кўйлагига ҳавас қилгандим фақат,  
Тоабад туганмас балога қолдим...

Нега ранжидингиз жон сингилларим,  
Қабоқлар уюлди, чимирилди қошлар.  
Туркман тушунмай тош отса чидадим,  
Аммо ёмон ботди сиз отган тошлар.

Ёруғ дунёда-ку бари қиз гўзал,  
Миллат танламас-ку хусн дегани,  
Нигоҳим жайхундан сакраб ўтса сал,  
Қайдан билай сизга малол келганин.

Юртим сулувлари, сизга йўқ тараф,  
Қошингизда ўсма юрса сирғалиб.  
Узун сочингизни ўрсангиз тараб,  
Боқса деган эдим ой ҳам суқланиб.

Асли туркман қиз бир баҳона холос,  
Излаганим эди сизлар кабилар.  
Қўмсаганим — ҳаё момоларга хос,  
Софинганим эди Кумушби билар...

Ёнсам ҳажрингизда менинг ёнишим,  
Куйсам сиз туфайли қўнглимдаги чўғ.  
Туркман қизлардан йўқ менинг танишим,  
Қалинга туям ҳам тушиб қолган йўқ!

## СУРАТ

Менинг кимлигимни,  
Билмайди ҳеч ким.  
Мен бир ғалатиман,  
Мен алоҳида.

Кўзимнинг ёшини  
Келади ичгим,  
Тилимни чайнагим,  
Келар гоҳида.

Ой менинг елкамга  
Ўтириб олган,  
Офтоб ғавғо солар  
Юрган йўлимга

Хаёл тушовидан  
Чиқолмай қолган  
Умримни топшириб  
Кўйдим кўнглимга.

Энди тошни тепсам,  
Ўпар изимни,  
Ерга ағанасам —  
Ер ҳам девона.

Бармоғин ўпгандим  
Суйган қизимни,  
Кўли ёниб кетди  
Гуриллаб, мана.

## ЎЛАН

Тўйларни ҳаммадан ҳам,  
Ой қизлар хуш кўрармиш,  
Битта қиз эрга тегса.  
Қирқта қиз туш кўрармиш.

Тўйховлида куй тиниб,  
Сўнганида оловлар.  
Қирқ сулувни йиғлатиб,  
Кетар экан куёвлар.

Сингилларим йиғламанг,  
Йиғласангиз ҳафаман.  
Шарқни кезиб сизларга,  
Ўзим куёв топаман.

Оқ тилаклар бор бўлса,  
Омон бўлса умидлар,  
Изингизга зор бўлар.  
Муҳаммадек йигитлар!

## ЭРКА КИЙИК

Эрка кийик, майлими бир эркаласам,  
Мажнун бўлиб саҳроларга еталасам.  
Бу дунёда бирдай ғариб мен ҳам, сен ҳам,  
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Сенинг кўзинг қора, менинг кўзим қора,  
Сенинг бағринг яра, менинг бағрим яра,  
Бу дунёда сен бечора, мен бечора!..  
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Шамол эмас, изинг қувиб юрди камон,  
Сайёд менинг кулбамни ҳам қилди вайрон.  
Сенинг жонинг, менинг жоним — омонат жон,  
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Кел, йиғлаймиз биргалашиб янтоқларга,  
Саҳроларда қуrimаган булоқларга,  
Иккаламиз яралганмиз қийноқларга,  
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Умримизнинг барча йўли, сўқмоғи чўғ,  
Чўғдан қўрқма, беюз қўйган қопқондан қўрқ.  
Бу дунёда сенга дўст йўқ, менга дўст йўқ,  
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Соч оқарди, дилдош кутиб қўзим толди,  
Юрагимдан тўкилмай не сўз қолди,  
Йўл сўнгида, ҳеч бўлмаса ўлим олди,  
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

## БОСМАЧИЛАР

Олмослардан кескир эди шамширингиз,  
Тутун бўлиб тўзиб кетди тақдирингиз.  
Минг йигитга арзирдингиз ҳар бирингиз,  
От ўйнатиб юрмадингиз, босмачилар...

Тупроқ тўшак бўлди, болиш эгар бошда,  
Умрингизнинг ярми ўтди тоғу тошда.  
Жалолиддин каби мудом жаҳонгашта  
Не кунларни кўрмадингиз, босмачилар.

Кўрғошинга қўрғон бўлди қоқ юраклар,  
Кафан бўлди қонга ботган оқ яктаклар,  
Сўнги макон бўлди гоҳо чакалаклар,  
Одамдай ҳам ўлмадингиз, босмачилар.

Тушунмайин кимлар қарғаб, кимлар сотди,  
Кўнглингизда алам, кўзда ёшлар қотди,  
Билмай баъзан ўз болангиз тошлар отди,  
Ёш деб гина килмадингиз, босмачилар.

Уйингизда сизни кутди кел деб, тўрам,  
Келинчаклар кокиллари тарам-тарам!..  
Кўнгилга ёр сиғарми, деб юртда қарам,  
Жанггоҳлардан жилмадингиз, босмачилар.

Кенгашсангиз тор дунёлар кенг бўларди,  
Эргаш ёқа бўлса, Шермат енг бўларди.  
Бирлашсангиз ким ҳам сизга teng бўларди,  
Нечун аҳил бўлмадингиз, босмачилар?..

Бош эгсангиз — эгдингиз гоҳ дўст қасдида,  
Далаларда, жалаларда, қор остида.  
Эрк мисоли жилмайдингиз дор остида,  
Душманга бош эгмадингиз босмачилар.

Китоб титиб топганларим — бари ёлғон,  
Киноларга чопганларим — бари ёлғон.  
Тиф тутганга тиф тутдингиз, сиз ҳеч он  
Нон тутганга тегмадингиз, босмачилар.

Сизни десам кўзимда ёш ларzon-ларzon,  
Нечун бунча адолатнинг нархи арzon?  
Жаннат агар бўлса сизсиз жаннатмакон,  
Беҳуда қон тўкмадингиз, босмачилар!..

Сиз йўқ, бунда кўтарилди дарпардалар,  
Майдонларда бўлди қизиқ ҳангомалар,  
Отдан тушди сариқ мўйлов саркардалар,  
Афсус, афсус кўрмадингиз босмачилар.

Кўргандирсиз балки. Йўқса, жим бизларга  
Қабрлардан қўл узатди ким бизларга?..  
Бухорони тўпга тутган тўнғизларга  
Сиз ҳам қилич сермадингиз, босмачилар.

Босмачимиш... Тутмайдими бир кун қони,  
Ай таърифчи, ай тарихчи, ай бемаъни?..  
Ҳамма сиздай ўз юртини севса қани!  
Нелардин дарс бермадингиз, босмачилар.

Эркли элда сизни эслаш нақадар хуш,  
Сизга ҳайкал қўйса арзир майдонлар бўш,  
Оқ яктақда оқ аргумоқ миниб оқтўш  
Мундоқ кўкрак кермадингиз, босмачилар.

Субҳидамда шеърим битдим қўзим тиниб,  
Пойингизга келдим кўнглим бир ўксиниб,  
Туринг энди бобо, десам, сиз хўрсиниб,  
Жилмайдингиз — турмадингиз, оосмачилар.

Олмос мисол кескир эди шамширингиз,  
Тутун бўлиб тўзиб кетди тақдирингиз,  
Минг йигитга арзирдингиз ҳар бирингиз,  
От ўйнатиб юрмадингиз, босмачилар!

\* \* \*

Кўкларда кўк капитар қушдаймиз, жоним,  
Қайғурма, кел кўнгил хушлаймиз, жоним.  
Менинг танишим йўқ нариги дунёда,  
Барибир жаннатга тушмаймиз, жоним...

Ёруғ дунёда ким яшайди тўйиб,  
Умр ўтиб кетгай киприк қоққунча:  
Онанг кўксига бир бошингни қўйиб,  
Боланг кўзига бир кулиб боққунча...

## УЗР

### *Нозимага*

Шуҳратга ўч бўлсан керак мен гумроҳ,  
Ёлғон бўлса керақ дилда нолам ҳам.  
Тўпори байтларим битар пайтим гоҳ,  
Кўзимга кўринмай қолар болам ҳам.

Оlamни эркалаb эрка сўз излаб,  
Боламни эркалаb оир сўз айтмайман.  
Мушукдай суйкалиб келса ҳам музлаб,  
Бетидан бир ўпмай уйдан ҳайдайман.

Қалам ушладимми демак — ўйин бас,  
Яйраб очолмайди гул дудоғини.  
Шундоқ юрак ютио сўраша олмас,  
Хонамда қолдирган кўғирчоғини.

Бурчак-бурчакда жим тортишар бурун,  
Билмам қандай ўйу ҳаёл ичида.  
Тузсиз шеърларим деб шириндан-ширин,  
Болаларим юрар оёқ учида...

Улар шеър ёзмасин ҳеч менга ўхшаб,  
Мендан нафи кўпроқ тегар элимга.  
Шоҳ асар бўлса ҳам тупурдим ўша  
Болаларим йиғлатиб ёзган шеъримга!

## САНЖАР

Санжар, чимилдиқни кўрмаган Санжар  
Менга тегмасмиди сенга теккан ўқ!  
Номус азобида юрагим санчар —  
Дунёда номусдан ёмон нарса йўқ.

Энди ўқлар тингач, тингач паймона,  
Жонсиз танинг узра ким у парвона?..  
Энди ширин сўзлар бари афсона —  
Ёлғон муҳаббатдан ёлғон нарса йўқ.

Фарид ётоғингга қўлгинанг чўзиб,  
Ётарсан тош йўлда соchlаринг тўзиб,  
Руҳинг чирқирайди дунёни бузиб,  
Сенинг арвоҳингдан сарсон нарса йўқ.

Ажал бўйнин силаб дўстларинг ётар,  
Бири қон беради, бири қон ютар.  
Бир қун уларнинг ҳам уволи тутар,  
Толиб уволидан ёмон нарса йўқ...

Сен ўлдинг,  
Мен қайта туғилган куним,  
Қўлимда қаламмас, бу — ханжар иним  
Ай, Санжар иним-а  
Ай, Санжар иним-а

Ўзбекнинг жонидан арzon нарса йўқ!

## ОДИЛОВНИНГ ОЛТИНИ

*Эр бошига иш тушса,  
Хотин шўрлик сув кечар...*

Айловчи айбингиз тополмай доғда,  
Тополмас тиллангиз, олтинларингиз.  
Бир чимдим ўтга зор эгасиз тоғда,  
Гдлянни қарғайди қўтосларингиз.

Жонзотлар кўзида жониворча ғам,  
Тошларга суйкалар қуриб дармони.  
Завқ олар қийнаб шу шўрликларни ҳам,  
Ўзбек noni ургур ўша армани...

У кун Попга бордим ошиб довондан —  
Олчоқ олтин излаб кавлаган йўлак.  
Оддий бир ожиза, оддий айвонда  
Набираларига тикарди кўйлак.

Ўйладим: муштипар бу зотда не айб,  
Куймаган қўксимни куйдирди бир чўғ.  
Бу ёруғ дунёнинг бор айбин қалаб,  
Ўзбекни тергашдан осон нарса йўқ!..

Махбус эр кунига шу Аёл ярап,  
Кўргани ҳам шудир ёлғиз кўз оча.  
Оқсоқол умрида бир кўнгил сўраб,  
Эркалаганмикин бир туп ғўзача?

Йўқ. Унда бўлмаган бундайин имкон,

Даласига томган тилидаги бол..  
Ишни ўйлаб уйни унудиб қўйган,  
Битта айби бўлса шудир эҳтимол.

Бироқ бу аёлда не айб, билмадим,  
Туйдим меҳр тўла бағрин тафтини.  
Йиғлади. Қўшилиб мен ҳам йиғладим,  
Она, дегим келди ўпид кафтини!

Яширган бўлса ҳам кетмасми қуриб,  
Ўша олмослари, ўша олтини.  
Аҳмаджон Одилов шунча давр суреб,  
Орттирган бойлиги экан хотини!

## ТЎЙЁНА

Тўйкўчада тонг отгунча гулхан ёнди,  
Борай десам тополмадим қўйлагимни.  
Гулхан ичра гулхан бўлиб бир жон ёнди,  
Куя-куя кулга кўмдим тилагимни.

Чимилдиқда ёлғон йиғлар ёлғончи қиз,  
Кулиб кимни эрмак қиласар ўланчи қиз?  
Бағрим ёнар, онажоним сиз билмайсиз,  
Ҳижрон отли ханжар тилар юрагимни!

Йигит бўлиб не қўрибман мен дунёда,  
Ёрим яшнаб турар тилло тақинчоқда.  
Қўллариммас, энди ўша шода-шода  
Марваридлар бўйнин силар малагимнинг.

Бу ҳовлига энди мен бир бўйламасман,  
Кетаверсин кетса, уни ўйламасман,

Ёлғончининг ёнига ҳам йўламасман,  
Йўлатмам ҳам яқинига йўлагимнинг...

Тўйкўчада туни билан гулхан ёнди,  
Борай десам тополмадим кўйлагимни.  
Гулхан ичра гулхан бўлиб бир жон ёнди,  
Куя-куя кулга кўмдим юрагимни.

## ХАВОТИР

Қўрқаман, эртага мен ўлиб кетсам,  
Ётар бўлсан қумга ботиб юзларим,  
Кўнглимни кўчқидан босади бир ғам —  
Йиғлашни ҳам билмас менинг қизларим...

Энг яқин дўстларим ғийбатим қилар,  
Энг заиф душманим устимдан кулар.  
Улар-ку не қилса ўзлари билар.  
Йиғлашни билмайди менинг қизларим.

Шоир ўлса ким ҳам қуйинар дейсиз,  
Мадҳиябоз ҳозир сувракдан кўп.  
Улар мисли қишида тарновдаги муз,  
Бармоқ тегса ерга тўкилар тўп-тўп...

Тилдан қолсан кўзда қотиб ёшлиарим,  
Кўнглимдан бошқа бор ахир, не зарим?  
Ерларга эгилган куни бошларим,  
Йиғлашни ҳам билмас менинг қизларим.

Улар ёш. Ўлимдан қўрқаман ёмон,  
Чунки дардига ҳеч қулоқ солмадим.  
Қабримнинг устидан йиғласин дебон,

Қизларим кўз ёшин асрай олмадим!

\* \* \*

Бисотимни боғда бир ҳалол,  
Капалакка алмашаман мен.  
Ҳәётимни кўқдаги зилол,  
Камалакка алмашаман мен.

Ёғдуларга чўмилган шаҳар  
Бетонлари биқинни чақар.  
Уйим қаср бўлса ҳам агар,  
Гувалакка алмашаман мен.

Шоирликни сўймайди жиним,  
Менга ҳавас қилмагин иним.  
Шуҳратимни тотли бир тилим,  
Ҳандалакка алмашаман мен.

Қўшиқларим бўлиб овоза,  
Юртда машхур эмишман тоза!..  
Барча ёзган шеърим бир коса  
Сумалакка алмашаман мен.

## ЎҚУВЧИМГА

Боламдайин ширин эди кеча шеърим,  
Видолашдим ҳали ёзиб улгурмайин.  
Сизга етмай нобуд бўлди неча шеърим,  
Бирор йиртди, блоров ёқди билдирмайин.

Олчоқлардан асролмадим боламни мен,

Кўзи юмуқ кетаверди билмай айбин.  
Қайдан топай кезиб етти оламни мен,  
Кимдан сўрай шеърларимнинг увол, хайфин?

Ким билади, мен ҳам шоир эдим балки,  
Тупроқ бўлиб ётар ерда қўшиқларим.  
Юлдуз бўлиб турар балки кўқда балқиб,  
Кўлга чўкиб кетмиш балки кўнгли яrim.

Не бўлса ҳам асролмадим, менда гуноҳ,  
Боламдайн ширин эди кеча шеърим,  
Бирор йиртди, бирор ёқди билдирамай, ох,  
Сизни кўрмай нобуд бўлди неча шеърим!

\* \* \*

Азизимсан,  
Бахтиёримсан,  
Ишонганим — вафодоримсан.  
Ёлғизимсан... Умрим ўлчовли  
Қарға эса мингга киради.

Билиб юрар,  
Кўриб туради.  
Қузғун — ажал топар бехато.  
Жондан ортиқ қўраман лекин  
Сени боғлаб қўйган йўқ, ота...  
Қарға эса мингга киради.

Юрак токай уриб туради?  
Юрак тингай тўлса паймона.  
Маюс чеҳранг қўксимни ёқиб  
Сен ҳам оир кун ўтарсан, она

Қарға эса мингга киради.

Йиллар бизни ўриб туради.  
Уйда, йўлда, шошиб — шошмасдан  
Хайрлашиб-хайрлашмасдан  
Эриб, оқиб ўтаверамиз  
Қарға эсамингга киради.

Сочгум гулдай дунёга меҳрим.  
Токи юрак уриб туради.  
Сен абадий яшайсан, шеърим —  
Қарға фақат мингга киради.

## ФАРГОНАЖОН

Қуриб кетди кийик кезган яйловларинг,  
Келин бўлиб ой тунаган ўтовларинг,  
Фирот каби кўкка сапчир бедовларинг  
Шунча ғаминг етмасмиди, Фарғонажон?

Томирингда товланган қизғалдоғинг қани,  
Олмаларинг тарсиллаган боғинг қани,  
Бобуршоҳни лол айлаган чоғинг қани,  
Шунча ғаминг етмасмиди, Фарғонажон?

Бисотингда синиқ чойнақ, синиқ кўзанг,  
Саҳардан шомгача меҳнатга ғарқ эсанг,  
Бир елкангда боланг, бир елкангда ғўзанг.  
Шунча ғаминг етмасмиди, Фарғонажон?

Ич-ичимдан кўзимга ёш келар қалқиб,  
Балиқдай гунг, қўйдек ювош ўзбек халқи!  
Сен ҳам бундай қомат кериб юрсанг балки,

Уйингга ўт кетмасмиди, Фарғонажон?..

Қуриб кетди кийик кезган сайҳонларинг,  
Улоқчи от чопса ҳорган майдонларинг.  
Қувғин бўлди ҳовлингдан ҳам райҳонларинг,  
Шунча ғаминг етмасмиди, Фарғонажон?..

Тинса тинди қора қумғон, қора ўчоқ,  
Ўзинг билмай ўз танинга урдинг пичоқ.  
Уйинг ёниб турса ёзган шеъримга боқ!..  
Шунча ғаминг етмасмиди, Фарғонажон?

## БАЙРАМ ҲАЗИЛИ

Бу Момо ҳаводан уларга одат:  
Күёвга чиқмаган ўзбек қизларин.  
Ушласа гул ушлар кўлини фақат,  
Ўпса фақат шамол ўпар юзларин.

Бу Момо ҳаводан уларга одат:  
Нозик белда қиркта кокили қават,  
Силаса ёмғирлар силайди факат  
Кўрса фақат Осмон кўрап кўзларин —  
Күёвга чиқмаган ўзбек қизларин.

Жилмайса нур ёғар ёноқларидан,  
Сир яширап ҳатто, қизғалдоқлардан.  
Офтоб ботгандан сўнг хилват боғлардан,  
Беҳуда изламанг сира изларин —  
Күёвга чиқмаган ўзоек қизларин.

Кўнгли дарёдай кенг, меҳри улуғвор.  
Дугонаси ҲАЁ, синфдоши ОР,

Айтинг фариштадан нима фарқи бор.  
Күёвга чиқмаган ўзбек қизларин?..

Севади,  
Куяди,  
Қилади алам,  
Дорга осингаммо айтмас бировга.  
Айтмай севишини севганига ҳам,  
Тегишиб кетаверар бошқа куёвга!

## КУМУШБИБИ НОЛАСИ

Сизга бир армон бўлай, золим бегим,  
Жайрон бўлай, қувлаб етиб олинг, бегим.  
Марғилоннинг йўлига бошим қўйиб,  
Жон берай, Зайнаб билан қолинг, бегим.

Қани ул қайрилмақош Кумуш деманг,  
Бағри гул, бағри оташ Кумуш, деманг,  
Кўзларингиз нега ёш Кумуш, деманг,  
Бир кўрай, Зайнаб биланг қолинг, бегим..

Сиғмадим кундошнинг бу тош шаҳрига,  
Дош беролмам бу қарошлар заҳрига,  
Ёрдан айрилдим қаро ер бағрига  
Жо бўлай, Зайнаб билан қолинг, бегим..

Ёргинам рухсорига жоним фидо,  
Бу жаҳонда борига жоним фидо,  
Хайр, эй, ширин забоним, алвидо,  
Мен ўлай, Зайнаб билан қолинг, бегим...

Сизга бир армон бўлай, золим бегим,

Жайрон бўлай, қувиб етиб олинг, бегим,  
Марғилоннинг йўлига бошим қўйиб,  
Жон берай, Зайнаб билан қолинг, бегим.

## УРУШ БЎЛМАСИН

Дунё-дунё бўлиб яралди қачон,  
Ҳаёт оҳанглари тарапди қачон,  
Зулмат ёруғликни кўролди қачон?..  
Олам нурга тўлсин, уруш бўлмасин.

Баҳор келганини билмасам майли,  
Қирларда лолалар термасам майли,  
Юлдуздек чараклаб юрмасам майли,  
Инсон иқболига хуруж бўлмасин.

Балки умрим узун, балки қисқадир,  
Майли билмай хузур, ҳаловат надур,  
Майли бу оламда топмасам қадр,  
Ҳаёт чаманида сўлиш бўлмасин...

Наҳот ғаним билса одам-одамни,  
Куйдириб кул қиласа ёруғ оламни,  
Мен кимга ишондим ёлғиз боламни?..  
Нима бўлса бўлсин, уруш бўлмасин!

## Қўшиқ

Ишонгандим дўстимга,  
Ишонгандай ўзимга.  
Дўстим мени алдади,  
Ханжар урди кўксимга.

Боғлардаги гул, япроқ,  
Энди менга дўст, ўртоқ.  
Гулхан бўлиб чарсиллаб,  
Бағри дилим ёнар, воҳ.

Олмани отдим отганга,  
Дийдаси тош қотганга.  
Дунё бўлсин қоронғу,  
Ўз дўстини сотганга...

Ишонгандим ёримга,  
Суюкли дилдоримга.  
Ёрим мени алдади,  
Кулоқ солмай зоримга.

Тоғлардаги қизғалдоқ,  
Энди менга ёр, ҳамроҳ.  
Гулхан бўлио ловуллаб,  
Бағри дилим ёнар, воҳ.

Олмани отдим отганга,  
Юраги тош қотганга.  
Дунё бўлсин қоронғу,  
Севгисини сотганга...

## ЁР-ЁР

Осмон олис, осмон жим,  
Марҳаматда қор ёғар.  
Сени қандай севардим,  
Кўролмади қарғалар.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,  
Жоним қақшар, ёр-ёр.  
Қайда бўлсанг сен билан,  
Севгим яшар, ёр-ёр.

Осмон олис, осмон жим,  
Осмон қулоқ солади.  
Юрагимни соғинчим,  
Фижжак қилиб чалади.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,  
Жоним қақшар, ёр-ёр.  
Қайда бўлсанг сен билан  
Севгим яшар, ёр-ёр.

Осмон олис, осмон жим,  
Осмон юлдуз тўшайди.  
Билагингда бармоғим  
Изи борга ўхшайди.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,  
Жоним қақшар, ёр-ёр.  
Қайда бўлсанг сен билан  
Севгим яшар, ёр-ёр.

Бу бевафо дунёдан,  
Бир қун мен ҳам ўтарман.  
Юлдуз тўла осмонда  
Кўшиқ оўлиб қайтарман.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,  
Жоним қақшар, ёр-ёр.  
Қайда бўлсанг сен билан  
Севгим яшар, ёр-ёр.

## МАДИНА

Мадина, Мадина, нега йиғлайсан,  
Менинг асал қизим, қачон ухлайсан?  
Иситманг тушмади, тополмадим дори,  
Тинмади чақалоқ жонингнинг зори,  
Ярашмас яшамоқ нокасга ёлвориб,  
Чида, ёруғ тонгни кутамиз, қизим,  
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим...

Сен йиғлок туғилдинг, мен ёзолмадим,  
Ёзган шеъримни ҳам ўтказолмадим.  
Аммо ишон ахир, булбул юрагим,  
Мен уни бекорга ўтга солмадим.  
Бу ёруғ дунёда менинг қолар изим,  
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим...

Иккала қўлимда сенинг бешигинг,  
Кўнглимда кўзингдек шаффоф қўшифинг.  
Тунларимга наво қайтар куним бор,  
Сенга ардоқ сўзим айтар куним бор,  
Қалбим шудгордек ҳайдар куним бор.  
Йиғлаб ёздирмасанг айланай ўзим,  
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим.

Шоир шундай кўпки, уларга ер тор,  
Ҳаммаси машхур ва ҳаммаси номдор,  
Улуғвор, уларга етмок қўп душвор,  
Аммо улар ойга босиб юзини  
Турганда осмонин бағрига илк бор  
Биз олиб боргаймиз тупроқ исини,  
Гулдай димоғига тутамиз, қизим,

Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим!..  
Биз ҳали ҳаммасидан ўтамиз, қизим,  
Йиғлаб ёздирмасанг айланай ўзим.

## КУМУШ

Марғилонда Кумушни кўрдим,  
Кўзига ёш олиб турибди.  
Сочларини майдалаб ўриб,  
Отабекни кутиб юрибди.

Тонгда туриб қалам қошига  
Ўсма қўйган экан қурибди,  
Кўздан оққан аччиқ ёшлари  
Ўスマсини ювиб турибди...

Мени бир ўй қийнайди ёмон,  
Юрак яна ўйнади ёмон.  
Тошкентга қиз берма Марғилон,  
Қодирий йўқ, Зайнаблар омон!

## ҚИЗИЛ ОЛМА

Баланд шоҳда қизил олма  
Пишган экан,  
Узуб олиб қарасам қурт  
Тушган экан.

Мен олмани ирғитворсам,  
У дод солди:  
Ташлаб кетар экан мени  
Нега олди?!

Қизил олма, қизил олма,  
Мен енгилдим.

Дунё етим деганларин  
Энди билдим...

Юрагим-ей, сени не ўй  
Ўртамоқда,  
Севигига йўл бўлсин бизга  
Бу чорбоғда.

Баланд шоҳда қизил олма  
Пишган экан...  
Бизнинг бошга шундай савдо  
Тушган экан.

## Назира ас-Салом

### ТАНҲО ҚОЛДИРМА

Юрагимнинг наволарин шох байтида исминг бор,  
Хотиримнинг энг тўрини банд айлаган жисминг бор.  
Истагимни етти кўкка етакловчи изминг бор —  
Мен ой бўлдим, осмон бўлсанг мени танҳо қолдирма,  
Оқ бағримга паға-паға булатларни солдирма.

Мен куй бўлсам авж пардада жаранглатган торим бўл,  
Бахting бўлай, нондек азиз номусим бўл, оrim бўл.  
Бир кунгина кўринмасам изларимга зорим бўл—  
Мен ой бўлдим, осмон бўлсанг мени танҳо қолдирма,  
Оқ бағримга паға-паға булатларни солдирма.

Узун тунлар ёнингдаги шамчироқман билсанг сен,  
Зилолман мен, сахроларда гар бемаҳал сўлсанг сен.  
Ёзилмаган достонман мен, агар шоир бўлсанг сен —  
Мен ой бўлдим, осмон бўлсанг мени танҳо қолдирма,  
Оқ бағримга паға-паға булатларни солдирма.

Кута-кута сени гоҳо дунё менга тор бўлсин,  
Қора сочим соғинчлардан йўллар қараб қор бўлсин.  
Мени ёшлиқ тарқ этса ҳам муҳаббатинг бор бўлсин —  
Мен ой бўлдим, осмон бўлсанг мени танҳо қолдирма,  
Оқ бағримга паға-паға булатларни солдирма.

### АЛЛА

#### Қайнонамга

Уйқу билмас ороми йўқ гўдаккинам,

Туним бедор, оромингни беролмасман.  
Алла айтсан қўшиғимни тушунмайсан,  
Энанг айтган аллани мен билолмасман .

Мурғаккинам, мен ёдлаган сатрлар кўп,  
Мен куйлаган қўшиқлардан ўзим сармаст.  
Кўз ёшларинг юрагимни қиймалар хўп,  
Энанг айтган аллани мен билолмасман.

Ёш жонингга бунча фироқ айлагайсан,  
Вужудингга ўланларни жойлагайсан.  
Мен куйлаган аллага бир бўйлагайсан,  
Энанг айтган аллани мен билолмасман.

Нолаларинг етиб, ҳижрон ўтиб жондан,  
Келаётир энажонинг Андижондан.  
Дардларини тўқаверар ҳар томондан —  
Энанг айтган аллани мен билолмасман.

\* \* \*

Йилларнинг суронли йўллари оша  
Ёшлигим бир вазмин тортиб боради.  
Аммо қалб тан олмас, у ўша-ўша,  
Қаршимда боладек дардин ёради.

У дардин ёради, эшитгим келмас,  
У мени тушунмас, мен эса уни.  
Йиллар орамизга довонлар солган,  
Сочимга оқ солган, билмам қай куни.

Қалб эса довонни енгаман, дейди,  
Сочингга ранг бўлиб сингаман, дейди.

Менинг йўриғимга юрмасанг агар,  
Кетаман, бошқанинг тенгиман, дейди.

Довондан ўтмоқ йўқ, узатмоқ бордир,  
Ёшликни кутмоқ йўқ, кузатмоқ бордир.  
Бир тана ичидা айри бўлолмай  
Фақат бир-бирисин тузатмоқ бордир.

## МУҲАББАТ

Севги учун яралган қалб, ёнган қалб,  
Шарбатидан истаганча қонган қалб.  
Ўзи суйиб, гоҳи ўзи тонган қалб,  
Муҳаббатни ўз билгича туярлар.

Тунлар кийик сўқмоқдаги ой бўлур,  
Бағрингдаги ўтлоқларда той бўлур.  
Истасанг дил анинг учун жой бўлур,  
Муҳаббатни ўз билгича туярлар.

Пушаймонлар тўзғитади дунёни,  
Менгзатарлар гоҳи унга сахрони.  
Севги йўқ деб тарқ этиб бевафони —  
Муҳаббатни ўз билгича туярлар.

Жаннатдир у сен билсанг ҳам, билмасанг,  
Барқарордир бор десанг ҳам, демасанг.  
У буюқдир — қандайларга йўймасанг,  
Муҳаббатни ўз билгича туярлар.

## ХАЁЛ

Хаёл кезган чаманларни кезолмассан,  
Яйраб юриб бағридан гул узолмассан.  
Озод бўлар вужудингдан ҳумо янглиғ,  
Қафас ичра тутиб ҳеч турғизолмассан.

На ортидан юрарга бир қароринг йўқ,  
У босган йўл чақир йўлдир, бузолмассан.  
Гоҳи дарёю денгиздек оқар-кетар,  
Анинг янглиғ тўлқинларда сузолмассан.

Боғи эрам боғларида ошёни бор,  
У қўнган тахт меҳварини тузолмассан.  
Анга хоҳиш итоатда, парилар ёр,  
Ўзинг қурган қасрда ўтқизолмассан.

Анингдек бир баҳодир йўқ эртакда ҳам,  
Душманларни мағлуб этар истаган дам.  
У тилсимдир — баҳайбатми ё бир тутам,  
На кўрмассан ва ё ани сезолмассан.

## ДЕДИМ

Ҳазил

Кел, эй бағир, ўртанма  
Куйганинг ёлғон, дедим.  
Лайлининг саҳроси ахир  
Орқада қолғон, дедим.

Ёнганинг йўқ ёр учун —  
Лоланинг бағри қон, дедим.  
Сен деган ҳижрон эмас,  
Бир жуфт кўзи гирён, дедим.

Қийнама ўзни ахир,  
Бу шароб асли тахир,  
Сен ширин деб излаганинг  
Асли ширин жон, дедим.

## **АФГОНИСТОНДАН МАКТУБ**

Онажон, хайр энди, кутмоғинг бекор,  
Сен унда зор қолдинг, мен ҳам бунда зор.  
Тақдирга таъна йўқ, йиғлама энди,  
Сўлим баҳоримга оппоқ қор инди.

Сенга айрилиққа мезбонлик насиб,  
Менга туганмас йўл, етмас меҳмонлик.  
Сенга нигоронлик, бағир тўла чўғ,  
Менга совуқ ватан — қип-қизил қонлик.

Сенга насиб тўю томоша қолиб,  
Дилгирлик, азобдан эгилган қомат.  
Менга ёш жисмимни гўшангэ эмас,  
Бевақт ўз бағрига олган қиёмат.

Оппоқ қор, кўзларим қамашди менинг,  
Баҳорим сен билан қалашди менинг.  
Ҳатто совуқ жисмим этмади насиб —  
Онамга тилсимлаб йўллашди менинг...

Тақдирга таъна йўқ, йиғлама энди,  
Сўлим баҳоримга оппоқ қор инди.

## **ОНА НОЛАСИ**

Афғон тоғи тошлар билан лим-лим,  
Кўзим тўлди ёшлар билан лим-лим.  
Мезбон бўлдим меҳмонини йўқотган —  
Қозонларим ошлар билан лим-лим,  
Кўзим тўлди ёшлар билан лим-лим.

Сен кетганда кўчаларим ёруғмиди,  
Кўзим кўрмас, энди улар зим-зим.  
Йироқлардан сени кутган шум туғмиди,  
Қай ерингга ботиб қолди жим-жим,  
Кўзим тўлди ёшлар билан лим-лим.

Тирикману хушим қайда, билолмайман,  
Она бўлиб дардингни мен ололмайман.  
Сўнгги марта бошгинангни силолмайман —  
Яшин олди соchlарингни тим-тим,  
Кўзим тўлди ёшлар билан лим-лим.

Висолингга етишмоққа бир чора йўқ,  
Осмонларга етқизгудек тайёра йўқ —  
Худойимга айтгудайин овора йўқ...  
Кўзим тўлди ёшлар билан лим-лим,  
Афғон тоғи тошлар билан лим-лим.

## ЎШЛИК ЎЗБЕКЛАР НОЛАСИ

Қоракўз укажон, қиличинг қайра,  
Келавер, қонимни оқизиб яйра.  
Дўст билан душманни этмасанг айри —  
Сенга ғанимлигинг муборак энди.

Умр ўтар-кетар, ортга қайтмоқ йўқ,

Азиз қондошингга қарадингми суқ.  
Кимга қўл кўтардинг, ўзга айтмоқ йўқ,  
Виждони жимлигинг муборак энди.

Бемаҳал ёққан қор қишиники эмас,  
Донишлар юз ўйлаб иккини демас.  
Бугун замин бўйлаб юрибди бир сас —  
Қаҳрга лимлигинг муборак энди.

Кечмишинг қон бўлди — бебаҳо қаср,  
Бахтингга ким ғаним, ким эди асир.  
Бугун лол турибсан, юраги басир...  
Танимам кимлигинг, муборак энди,  
Сенга ғанимлигинг муборак энди.

## ТАҚДИР

*Mўътабар опага*

Аё тақдир, мени бунча жафоларга йўлатгайсан,  
Бирор қилган гуноҳнинг божини менга тўлатгайсан.  
Бағирни тоғ этиб тиклаб, ўзинг ани қулатгайсан,  
Баҳоримга қўзим тиксам, анга қорлар элатгайсан.

Сенга қуллуқ этай дейман, ўзим чоҳга йиқилгайман,  
Боғимда нағмалар истаб, қузғунларга чўқилгайман.  
Кўкармасдан ҳазин япроқ каби беун ёқилгайман.  
Имконимни олиб бутун, мисқоллатиб сўратгайсан.

Мен орtingдан мажнуннамо эргашарман меҳрталаб,  
Сен жаллоднинг юрагига охир бир кун меҳр тилаб.  
Ёзларимни қаҳратонга алмаштирдинг неча йиллаб,  
Ғаниматмиз, ахир қачон дил қорини куратгайсан.

## ШЕЪРИМ

Йиллар сенсиз яшамоққа маҳв этди беор,  
Йиллар тизгин билмай бағрим тилар бўлдилар.  
Сендан мени, мендан эса сени неча бор  
Айирдилар, сўнгра ғолиб, мағрур кулдилар.

Ёрга висол, ҳижрон деган қисмат дедим мен,  
Қисмат нени шиор этса ўша эдим мен.  
Аммо Сендан токи машҳад кетолмам нари,  
Шеър дегани Фарҳод экан, энди билдим мен.

Адашганим сахроларда изингни кўрдим,  
Баҳоримга борар йўлни етаклаб олган.  
Мен йилларга асир бўлиб қанчалар турдим,  
У ёқларда Мажнуним бор — кутишдан толган.

Қисмат мени сахроларга боғласа ипсиз,  
Ва ё банди айласалар жарликка тубсиз —  
Учар отим — Фарҳодим бор экан менинг ҳам,  
Малҳам бўлар азобимга йўқлаб субҳидам.

## НИГОҲ

Лолазорга туташар бағир,  
Орайишим кетар бенишон.  
Эргашади ортингдан, сағир  
Капалакка айланади жон —  
Нигоҳингга дуч келганим чоқ.

Кўз кўрмоқни биларми яккаш,

Нондек азиз эрур бир қараш.  
Минг жилвасин кўрсатар яшаш —  
Нигоҳингга дуч келганим чоқ.

Лаҳзаларни асрга улаб  
Яшар эдим бардошлар тилаб.  
Келди ногоҳ кутганим йиллаб —  
Нигоҳингга дуч келганим чоқ.

## ЁШЛИК

Кунлар ўтар, адогига етмайди бирор,  
Тўхтагин деб қўлларидан тутмайди бирор.  
Юрагимнинг наволарин ўғирлар сабо,  
Кимники деб унга савол қотмайди бирор.

Кунлар ўтар, кунлар билан баҳсим бор менинг,  
Ўз бағрига солиб кетди саволларимни.  
Ўша майин саболарда қасдим бор менинг —  
Йироқларга олиб кетди наволаримни.

## ЗАЙНАБНИНГ НОЛАСИ

Мен ўлмадим, қабрларда қотди изларим,  
Йифлаб-йифлаб тупроқларга ётди ҳисларим.  
Тирикману Кумуш билан кетди бўзларим,  
Куйди азиз жоним, бегим, мен ҳам кетайми?

Мен дардингиз адосида куз бўлган сўлим,  
Нетай, ишқдан айри тушди бу бадбаҳт йўлим.  
Кўзингизга ёш тўлганин кўрмоғим-ўлим,  
Куйди азиз жоним, бегим, мен ҳам кетайми?

Мен, билмадим, билганларим ёт бўлди сизга,  
Мен кулмадим, кулганларим ёт бўлди сизга.  
Бир сиз учун қуйғанларим ёт бўлди сизга,  
Куиди азиз жоним, бегим, мен ҳам кетайми?

Кетайнми, телбалигим кам бўлса агар,  
Бор жаҳоним ёнмоғидан шам бўлса агар.  
Ўлар бўлсам кўзларингиз нам оўлса агар —  
Куиди азиз жоним, бегим, мен ҳам кетайми?

## АГАР

Рұҳим изтиробга тиз чўкса агар,  
Умидлар армонга дил тўйса агар.  
Бағримни чокидан ғам сўкса агар,  
Сенга топинаман она-онажон.

Ғам билмас дарёлар оқардир — оқар,  
Турап сувга ким ҳам боқардир — боқар.  
Менинг ғамим кимга ёқардир — ёқар,  
Сенга топинаман она-онажон.

Кўз ёшим сел бўлса — қуриса агар,  
Бағримни қор қоплаб, эриса агар.  
Дилдаги ҳарорат илиса агар —  
Сенга топинаман она-онажон.

## ОТА

Қўшиқ қўшиқ бўлиб қалбни титратган,  
Даво дардчилларга ўзни яратган.

Дунё эзгуликни кафтида тутган  
У кун ҳам қалбингдан ғарибdir, ота.

Кўзимга тўтиё этган хатларим,  
Кўнглимга бир дунё элтган байтларим.  
Бир умр ҳаётдан топган тотларим —  
Қароғинг тафтидан ғарибdir, ота.

Шеърга сўз ярашар, куёшга осмон,  
Қалбга қўр ярашар, денгизга уммон.  
Фахрга ярашган инсонсан, инон,  
Дунё ҳам сенингсиз ғарибdir, Ота.

## **АКАМ ҲАБИБУЛЛОГА**

Биз булут эканмиз, учирди шамол,  
Қачон болаликдан ўчирди шамол.  
Бағирда не қолди, кўчирди шамол,  
Мен сени соғиндим, оға-оғажон.

Кўрилган ўтару кўрмаган олдда,  
Балки қалбимизга етишмас далда.  
Мехрга жавобинг туради галда,  
Мен сени соғиндим оға — оғажон.

Биз булут эканмиз — кўкни тарқ этган,  
Болалик кетмас деб елга эрк тутган.  
Байтларим соғинчни ўзга беркитган —  
Мен сени соғиндим оға-оғажон.

## **УМИД**

Излаб-излаб истаганим топдимми мен,  
Мехр сўраб ё саробга чопдимми мен.  
Ёлғизман деб гоҳ эшигим ёпдимми мен —  
Хонамда бир шуъла ёниқ, ўчмади ҳеч.

Гоҳи шодон, гоҳи ўксик бўлди бағир,  
Гоҳ кундузда зулматларга тўлди багир.  
Зиё излаб заъфаронлар бўлди бағир —  
Хонамда бир шуъла ёниқ, ўчмади ҳеч.

Осмонларда ой тўлдими излаганим,  
Ой чиқса ҳам, чиқмаса ҳам бўзлаганим.  
Дунё кезиб мен зорини сезмаганим —  
Хонамда бир шуъла ёниқ, ўчмади ҳеч.

Хонамда бир шуъла ёниқ — бағир бутун,  
Ой чиқса ҳам, чиқмаса ҳам ёришар тун.  
Иккимизга кундузларда йўқ экан кун —  
Хонамда бир шуъла ёниқ, ўчмади ҳеч.

## ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИДАГИ ЎЙЛАР

Тонгнинг нурларига энтикиб, мафтун,  
Ҳар кунни қаршилаб етаётирмиз,  
Узокроқ туюлар бу кечаги тун,  
Энди янги кунга ўтаётирмиз.

Янги тонг, дўстгинам, бошланмай туриб  
Ушбу тун бағрига бирпас тут қулоқ.  
Бу туннинг бағрида ғофил бўлинмас,  
Бу туннинг бағрида баҳтинг бор оппоқ.

Бу тун дебочадир эртанги кунга,

Унга армонларинг қолдириб кетгил.  
Сен учун айланар қоп-қора тунга  
Истайдир — эртангга армонсиз енгил.

Йўлларинг оқликка туташ бўлсин деб  
Қоп-қора бағрига қорлар тўшайди.  
Эртангга қора из ўтмасин дея  
Мерос армонларга сингиб яшайди.

Янги кун муборак, дўстим, янги кун,  
Оппоқ поёндозга қўйгил қадамни.  
Қалбингда тонг каби яшаб қолсин тун  
Субҳисодик томон чорлаб одамни.

## ОНАЖОН

*Зуҳрага*

Кўз очдим, кўз юмдим, ўтди лаҳзалар,  
Ўтмишга ихтиёрини тутди лаҳзалар.  
Бугун мени сўроқ этди лаҳзалар —  
Онажоним, сизни қайдан топайин.

Ҳидингизнинг муаттар бир атири қолди,  
Лаҳзаларда қайтадилмас хотири қолди.  
Шеърларимнинг бу йиғлоқи сатири қолди —  
Онажоним, сизни қайдан топайин.

Қароғимга қотиб колди нигоҳларингиз,  
Юрагимга ботиб колди нигоҳларингиз.  
Мендан бир сўз кутиб колди нигоҳларингиз  
Онажоним, сизни қайдан топайин...

## САМАРҚАНД

Мен юртимда туғилган кун  
Сезмай қолди одамлар.  
Киндик коним тўкилдию  
Тупроғига, зарига,  
Гўшасида ухлаётган  
Аждодларим одимлаб  
Астагина кутлаганин  
Ногоҳ сезди вужудим.  
Сўнгра...  
Сўнгра қўшиқларми  
Куй — наволар келавердилар оқиб.  
Тушунганим алла эди...  
Мен онами танимай туриб  
Илк бор алла айтган эди  
Дилбандим — Самарқандим.  
Энди эртак сўйлайверар, куйлайверар  
Энди у алла эмас, жондир кезган қонимда,  
Олисларда тақдиримни ўйлайверар,  
Руҳи эса вужудимда, ёнимда.

## БЕВАФОГА

Сенга бағир очмасман ҳаргиз,  
Ё кўз ёшим рано кўрмасман.  
Рано кўрмам ҳатто ёмон сўз,  
Дардларимни сенга бермасман.

Кундузимни уларман тонгга,  
Тоқатимдан тошлиар ёрилсин.  
Кувончларим айлансин мунгга,

Ширинимга заҳар қорилсин —

Мен яшарман мағрур, муқаррар,  
Вужудимнинг тириқдир ори.  
Бировларнинг қасири эмас,  
Ўз қалбимнинг ўзим сардори.

Боғдан-боққа кўчгувчи булбул  
Ноласига ташна эмасман.  
Майли дилда сўниб қолсин гул —  
Меникидир, сенга бермасман.

Сенга бағир очмасман ҳаргиз,  
Ё кўз ёшим раво кўрмасман.

## ХИЖРОН

Кетди кўнгил бирла келган саболар,  
Йўқламайди дилни оҳанграболар.  
Бошим узра чарх уради рўёлар —  
Бунча ғариб муҳаббатсиз бу дунё.

Нетай, фироқ утар менинг жонимдан,  
Ёсуман ёр — хижрон кетмас ёнимдан.  
Жудо этар севгим — меҳрибонимдан,  
Бунча ғариб муҳаббатсиз бу дунё.

Айрилиқнинг кўчалари дарбадар,  
Кундузи тунд, азоблари тоғ қадар.  
Умри узун, асрларга баробар,  
Бунча ғариб муҳаббатсиз бу дунё.

Мен қайдаман, сен қайдасан овунчим,

Қидирмоқ йўқ, имконимиз ёвга ем.  
Умр ўтар, тўхтамайди бу оқим,  
Бунча ғариб муҳаббатсиз бу дунё.

## МЕН КУТГАН КУН

Юрак оғрир, сездирмайди тил,  
Жисм мағрур, бўзлайди кўнгил.  
Бу кенг дилга сиғолмайди қил —  
Мен кутган кун, сен келмаган кун.

Кўклам чоғи, майсалар гилам,  
Севинчларим билмайди ўлчам.  
Татимайди шундай ширин дам —  
Мен кутган кун, сен келмаган кун.

Туйғуларим дарё — денгиздай,  
Сингиб кетар босилган издай.  
Ташналигим гўё сўнгсиздай —  
Сен кутган кун, сен келмаган кун.

## ШЕЪРИМ

Балки кимнидир мен йўқотдим, қуйдим,  
Кўзимга ёш олиб, армонлар туйдим.  
Армонлар азоби чалғитдими ё  
Сенинг борлигингни саробга йўйдим,  
Аммо ёнгинамдан кетолмадинг сен.

Балки кимнидир мен олқадим, сўйдим,  
Ҳаётдан баҳр олиб, қувончлар туйдим.  
Қалб унинг меҳрила ёндию қолди,

Унинг баҳорини танҳога йўйдим...  
Яна боғимни тарқ этаолмадинг сен.

Бир кун кўзларимдан қочди уйқулар,  
Овута олмадим отам кўнглини.  
Дўстим ёшларимни арта олмади,  
Дардимни мен билан торта олмади...  
Овута олмадим ўзимни ўзим.

Бир кун кўзларимдан қочди уйқулар,  
Бир кун юрагини очди туйғулар...  
Мен сени эсладим энтикиб, ёқиб,  
Мен сени изладим баридан тониб.  
Сен илк муҳаббатим, вафоли ёrim,  
Ҳамнафас тирагим, азизим, шеърим,  
Сенсиз қўшиғимни айттолмадим мен.

## КЎНГИЛ ЭСАНГ

Боғ кўчада адашган қорми кўнглим,  
Ўз тенгини топмаган ёрми кўнглим.  
Мехр бериб, меҳрга зорми кўнглим —  
Кўнгил эсанг чидамоқни бил энди.

Дунё деган — ўрганилмаган бозор,  
Унинг билган-оилмагани сир-озор.  
Кўчалари гоҳи кенгдир, гоҳи тор —  
Кунгил эсанг чидамоқни бил энди.

Умр — йўлда турагар гоҳо уртўқмоқ,  
Қочмоқликка топилмас кийик сўқмоқ.  
Йиқилмоқ бор, хаёлдадир лек йиқмоқ —  
Кўнгил эсанг чидамоқни бил энди.

Сен кечасан бутунингдан-ёртингдан,  
Армон излаб эргашади орtingдан.  
Ўлан сўйлаб келар сенинг дардингдан —  
Кўнгил эсанг чидамоқни бил энди.

## АЁЛ

*Хайри опага*

Опа, йўлларингга чаман ёйилсин,  
Гарчи чаманларга ўзинг бекасан.  
Опа, булоқларга юзинг чайилсин,  
Гарчи рухсорингга булоқ юз чайган.

Биламан, таърифинг сўзга сиғмайди,  
Гўзаллик ҳақида гап сотмоқ бекор.  
Дилдаги ҳусндан андоза олган —  
Гўзаллигинг қалбни этади такрор.

Сен поклик бобида мулки фаришта,  
Этагингни тавоб этмоққа арзир.  
Сен шамси анварсан, моҳи саришта,  
Олдингда тақдирнинг тоғ каби қарзи.

Таъриф — тавсифларга зормассан гарчи —  
Опа, асилликни кўрдим сиймонгда.  
Мен сени севаман битта инсонча,  
Мен сени сақлайман оҳорли онгда.

Мұхаммад ЮСУФ  
Назира Ас-Салом

## ЭРКА КИЙИК

(Шеърлар тўплами)

*Мұхаррир Малик Бойматов  
Тех. мұхаррир Абдукарим Юнусов  
Мусаҳҳиҳ Исҳоқжон Каримов*

Ёзёвон район «Марказий Фарғона» газетаси таҳририятига қарашли «Ижодкор» кичик корхонаси. Ёзёвон шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси, 69-уй.

Теришга берилди 28.08.92. Босишга рухсат этилди 5. 12.92.  
Формати 60x84 1/32. Газета қоғози. Фотонабор. «Тип-таймс» гарнитураси. Офсет усулида чоп этилди. Босма листи 6,0. Шартли босма листи 5,58. Тиражи 50 000. Буюртма № 5400. Баҳоси келишилган нарҳда.

Фарғона вилоятӣ матбуот бошқармасининг Марғилон шаҳар босмахонаси.  
Марғилон. Ўзбекистон кўчаси